

ТОНГ ЮЛАДИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 82 (6823)
1997 йил 22 октябрь чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Ғунча

ОМОН БҮЛ, ЎЗБЕКИСТОН!

Мустақил Узбекистон,
Багри меҳрга макон.
Сендайин юрт борлигин,
Тан олди бутун жаҳон.

Тинчлигимиз — баҳтимиз,
«Аъло» ўқиши аҳдимиз.
Улгаямиз соғ-омон,
Озод Ватан баҳтимиз.

Мактаб — ёрут, озода,
Устозлар ҳам меҳрибон.
Биз — жажжилар баҳтига
Омон бул, Узбекистон!

Акмалжон ХОЛМАТОВ,
Сирдарё туманинг 20-
мактабининг 4-синф ўқувчиси

МАКТУБЛАР ҚУТИСИ

Тилимизга Давлат тили ма-
коми берилганига ҳам саккиз
йил тулибди. Бизнинг Усмон
Носир номли 241-мактабда ҳам
бу кун жуда катта тантаналар
бидан нишонланди. Куни ке-
ча она тили ва адабиёт ўқитув-
чимиз Салтанат опа Султонова
шу санага багишланган шеърлар
ёдлаб келишимизни
ва шу куни «ШЕЪР УҚИШ
МУСОБАҚАСИ» булишини
айтилар. Шу куни она тилим-
га булган муҳаббатим сабаб-
ми, хуллас қулогим узра мар-
жондек ажойиб сузлар, шеър
булиб қуийлди. Мен бу
шеъримни сиз — азиз тенг-
дошларимга илиндим:

ОНА ТИЛИМ, ЖОН
ТИЛИМ!

Узлигимни англастан
Она тилим, жон тилим.
Байрон қилиб сайратган
Узбек тилим, жон тилим.

Улкан билим соҳиби
Навоий бобом булган,
Мунису Нодиралар
Шу тилда ижод қилган.

Мустақил диёримнинг
Миллий тили сен булдинг,
Истиқлолим туфайли
Зур тилларга тенг булдинг.

Нурли бўлсин йўлларинг,
Она тилим, жон тилим.
Қай юртларда бўладай мен
Сени кўмсайди дилим.

Зилола БОЗОРОВА.
Тошкент шаҳридаги 241-
мактабининг 5-синф
 ўқувчиси

Тил байрами — эл байрами

Яқинда Тил байрамига багишлиланган «Уткир зеҳнилар» мушоироси булиб утди. Тошкент шаҳридаги 152-мактабининг 8-«А» синфнинг «Тинчлик» ҳамда 8-«В» синфнинг «Хумо» груҳи узаро мусобақалашди. Мушоира беш турдан иборат бўлди. Гурухлар бир-бирига она тили буйича савол ва топшириклар бердилар. Айниқса, тўртинчи турдаги «Уй вазифаси» деб номланган саҳна барчага маъқул бўлди. Унда ялқов, уй ишини бажармайдиган ўқувчилар танқид остига олинди. Сунгра гуруҳ сардорларининг мусобақаси бўлди.

Хуллас Тил байрамига багишлиланган мусобақа ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ўқувчилар ватанпарварлик, ўз она тилига муҳаббат ҳис-туйгуларини намойиш этдилар. 8-«В» синфида Гулбаҳор Сарварова, Кизжибек Ергешова, Ёркин Низомов, Феруза Абдулаева, Феруза Ҳидоятова, Олим Рафуров, 8-«А» синфида Сабоҳат Назарова, Баҳтигул Очилова, Сардор Ёқубов, Гавҳар Алиқулова, Муяссар Йулчиеева кабилалар фаол иштирок этдилар.

Мусобақада 8-«В» синфининг «Хумо» груҳи аъзолари 106 балл тўплаб, голибликни қўлга киритдилар.

Кидирбой ТЎЛАБОЕВ



ИСТЕДОДЛАР - ХАЛК БОЙЛИГИ

Улугбек номидаги ис-
теъодли ёшларни қўллаб-
қувватлаш Республика
жамғармаси Ёзувчилар,
Бастакорлар уюшмалари,
Телерадиокомпания,
Мухтор Ашрафий номи-
даги Тошкент давлат кон-
серваторияси билан ҳам-
корликда «Истеъодлар

улкасиdir ҳур Узбекис-
тон» мавзуида Республи-
ка ёш ижодкорлар фести-

валини утказди. Фести-
валда Улугбек мукофоти
совриндорлари, вилоят-
лардан келган ёш ёзувчи

ва бастакорлар иштирок
этишди.

ТАРИХ — ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

Темурийлар тарихи дав-
лат музейи иш бошлагана-
нига бир йил тулди. Шу
қисқа давр ичидаг музейга
қўйилган ва фонdda сак-
ланадиган экспонатлар со-

ҲАФТАНИНГ
ЕТТИ КУНИ

ганларини айтиб беришади.
Мен эса топишмоқ айтишни,
топишмогимни тополмаган ду-
стларимдан «шаҳар ҳадя қи-
лишларини» ёқтираман.

Бугун ҳам муаллима опамиз
янги ўрганиб келган топишмо-
гимни айтиб беришими сур-
ади. Доскага чиқдим-да, кеча да-
дажоним ёрдамида тузган шеъ-
рий топишмогимни синфдош-
ларимга айтдим.

Ўзи кўркам, чиройли,
Ярашади қўлларга.
Тарқатилди биринчи —
Синф ўғил-қизларига.
Ўзи кичик, ихчам лек,
Китоб-дафтар жамлайди.
Топинг-чи топишмогим,
Жавоби нима эди?

Топишмогимни айтиб тутат-
масимданоқ, бутун синф «Бу
йил совгага олган сумкалари-
зим», — дея бараварига жавоб
беришди. Топагон дўстларим-
дан курсанд булиб кетдим.
Муаллимамиз Заҳро опа ўқув-
чилар, Нигора каби кимда
ким яхши топишмоқлар ўр-
ганиб келмоқчи бўлса, Тонг
юлдузига обуна бўлинглар. Ун-
да йил буйи тенгдошларини ҳа-
тидан қизиқ ҳикоялар, топиш-
моқлар, бошқотирмалар боси-
лади, деб тушунтирдилар. Ҳоз-
ир синфимиз ўқувчилари «Тон-
г юлдузи»га обуна бўлишини
бошлаб юбордилар.

Нигора АЛПОНОВА.
Сирдарё вилояти Баҳт
шаҳридаги З-мактаб

ни 1400 га яқинлашди.
Бу ерга келаётган зиё-
ратчилар, хорижий меҳ-
монларнинг сони йил-
дан йилга кўпаймоқда.
Яқин кунларда бу муас-
сасани илмий марказга
айлантириш режалашти-
рилмоқда. Ёшларга та-
рихимизни чукур урга-
тиш мақсадида турли
ўқишилар ташкил этил-
моқда, янги заллар ишга
туширилиш арафасида.

Тинчлик, тотувлик, ахиллик замони етиб келди. Эх-хес... Не кунларни кечирмади бу азиз бошлар, қанчалар түкилмади күз ёшлар... Етиму сисирлар купайдилар қадим замонларда. Элу юртнинг моли талон-тарож булди қадим замонларда. Яхши умидлар билан бунёд бўлган неча-нечча шаҳру қишлоқлар барбод бўлди қадим замонларда. Булар бари босқинчлару жангужадаллар туфайли бўлган экан қадим замонларда. Темирчи-лар омоочу кетмон ўрнига қиличу қалқону ҳанжарлар ясаган эканлар уша замонларда. Чунки элу юртни босқинчи ёвлардан химоя қилиш керак бўлган экан-да уша замонларда. Не-не паҳлавон дехқон йигитлар далаларни парвариш қилиш ўрнига жангута отланган экан уша замонларда.

Уша қадим замонларда бизнинг Туроң томонларда қади-қомати Алпомицдек бир полвон дехқон йигит яшаган экан. Унинг ҳам оз умри дала-да, кўп умри жангужадалларда ўтган экан. Ватанини, элу юртни химоя қила-қила, ниҳоят ёши бир жойга етганида охирги душманлар барбод бўлиб, элу юрт обод буладиган вақт ҳам етиб келибди. Мана энди тинчгина меҳнат қила-диган замон етиб келди, деб-

ди-да, охирги жангда синган қиличию пачоқ қалқонини ерга кумиб, не-не ёвларнинг кўкракларини тешиб, юракларини ёрган ҳанжарини кўргонидаги кичик ҳужра деворидаги михга осиб қуиб, унинг ёнидаги қозикда осиглиқ турган ўргини, бир бурчакда занглаб ўтган кетмонини, белкурагини олиб, жонажон да-

рига осиб қўйилган ҳанжари эса, аксинча, чанг билан, темирдан ясалган гилофи занг билан қоплана бошлади.

Паҳлавон дехқон ҳар куни кечқурун даладаги ишларини тутагиб бўлғач, кетмони билан белкурагини тозалаб ювар экан-да, уларни ариқ буйидаги тол шохига илиб қўяр экан.

яқинлашаётганида, яъни хутойида уасбоб-ускуналари сакланадиган ҳужрага кирса, девордаги қозиққа илиб қўйилган ўрги юм-юм йиглаётган эмиш. Унинг шудрингдай кўз ёшлари деворни, унинг тагидаги ерни нам қилиб турган эмиш.

Азиз АБДУРАЗЗОК



ласи томон отланиди. Уша кундан бошлаб ишлайверибди, ишлайверибди, ишлайверибди. Унинг ҳалол меҳнатидан, гайрату шиҷоатидан қадрдан даласи борган сари яшнайверибди, яшнайверибди, яшнайверибди. Қулида ишлалан доимий ҳамроҳ қуроллари — уроғио кетмонию белкураги борган сайн ярқираб, хусни очила берибди. Бетидаги зангларидан номнишон қолмабди. Ҳужра дево-

Уроғини қумтош билан қайраб, артиб-суртиб ҳужрадаги ҳанжар ёнига осиб қўяр экан.

Шундай қилиб қукламу ёзу кузлар меҳнатда, қишилар истироҳату фароғатда ўтаверибди, ўтаверибди, ўтаверибди. Паҳлавон дехқоннинг йил сайин ёши улгайиб-улгайиб, нуроний чолга айланба бошлабди-ю, лескин куч-қуввати уша-уша — жойида экан.

Биргал қиши кетиб, қуклам

— Ҳа, сенга нима бўлди, қадрдоним? — деб сўрабди нуроний дехқон. — Ким сени хафа қилди?

— Ҳанжар хафа қилди, — дебди Уроқ. Бу ерда ё у турсин, ё мен турай. Бир йўлини қилинг, дехқон бобо. Биз — бир-биримиздан узоқда турмасак бўлмас экан. Қишибуйи менга кун бермади.

— Сени нима сабабдан хафа қилди? — деб сўрабди дехқон бобо.

Бир бор экан...

— Ҳеч бир сабабсиз хафа қилди. Сен эгрисан, мен тўриман, сен кампирсан, мен йигитман деб камситтани камситган. Қанча қон тўкканман, ватанини химоя қилганиман, сен фақат ҳашак ўришдан бошқа ишга ярамайсан, деб мақтангани мақтанган. Улар бўлсан улиб бўлдим, дехқон бобо.

Урок шундай деб яна йиглай бошлади.

— Қуй, йиглама, — дебди дехқон бобо ва уни қулига олиб артиб-суртиб ўзи яшайдиган хонага олиб чиқиб кетибди.

— Ҳозирча шу ерда туратур, — дебди дехқон бобо. — Эртага мен уни шаҳарга олиб бориб, ажойибонага топшираман. Чунки ҳанжарларнинг даврудаврони аллақачон ўтиб кетди. Энди тинчлик замони етиб келди.

Дехқон бобо ваъдага вафо қилиб, ҳанжарни қадимий буюмлар сакланадиган ажойибонага топшириб юбориби.

Мен ўшандоқ ажойибона-ларнинг бирида занглаган ҳанжар кўрган эдим. Балки у уша ҳанжардир. Бу фақат менинг гумоним.

ҲАР МАКТАБНИНГ ЎЗ ЎҚУВЧИЛАР ЛиБОСИ БЎАСИН

вазири Жура Йулдошев уз нутқида мустақил диёрнинг болалари кийиниши маданиятини ҳам болалиқдан ўзлаштириб боришлари зарурлигини таъкидлайдилар. Ҳуш, мактаб либоси республика бўйича ягона бўлиши шартми? Йўқ, — дедилар улар. Ҳар бир мактаб узига хос мактаб либосини кийисин. Илгаригидек ҳамма ўқувчилар фақат оқ-қора, ёки ҳаво ранг-қора рангда эмас, балки узига ёққан рангда мактаб либоси кийса қандай чиройли бўларкан, — дедилар вазир. Сунгра республика Модалар уйи боци раҳбари Нигора Муҳамедова ўқувчилар мактаб кийимлари намойишини эълон қилиб борди. Дастлаб Андижон вилоятига навбат берилди. Нигора опа ўқувчилар кийими бичими, унда ишлатилган матоларнинг сифати, сарф-харажати ҳақида, мактаб либосининг умумий баҳоси тўғрисида батафсил тұхталди. Мен боя фойеда учратган болаларни саҳнада кўриб, қувониб кетдим. Улар худди катталардек қувноқ мусиқа остида ўзларига ярашган бежирим, замонавий мактаб либосларини намойиши қилишарди. Тақдимотида Узбекистоннинг ҳамма вилоятлари

ва Коракалпогистон Республикаси бичиқчилари томонидан тайёрланган мактаб либослари намойиши этилди. Кичик, ўрта ва юқори синф ўқувчиларига мўлжаллаб тикилган мактаб либослари бичимининг ранг-баранглиги билан ҳам томошабинларга маъқул келди. Бу кийимларни узэгнида намойиши этган Тошкентдаги 73-мактаб ўқувчиларига жуда ҳавасим келди. Чунки улар янги турли мактаб либосларини биринчи бўлиб кийиб куришди. Мен саҳна орқасига утиб, намойишига тайёрланётган болалардан кийган либосларингиз узингизга маъқулми, деб сўрадим.

— Матъул, — дейишиди улар. — Фарғона вилояти тавсия қилган мактаб либоси, қаранг, қандай чиройли. Буни гимназия синф ўқувчилари кийишар экан. Ранги ҳам тиник, кўзни толиқтирилмайди. Бу кийимда эртадан-кечгача мактабда бўлсанг ҳам чарчамайсан.

— Мана, биз жисмоний тарбия дарсларида кийиладиган либосларни намойиши қилимиз, — дея сұхбатга қушилишди икки дугона. Бу кийимлар пахталик матодан тикилган. Ранг

ларини қаранг, тўқ жигарранг ва сарик. Бир-бирига муносаб. Югурганды ҳам, сакраганды ҳам жуда қулай. Буни сирдарёлик бичиқчилар тикишибди. Агар шу кийимлар сотилса, биз ҳам олсак бўлади... Тақдимотда мактаб ўқувчилари маҳсус либос кийишлари шартми, галстук тақишилари керакми, деган кўпгина саволларга жавоб бўлди. Уни ота-оналару ўқитувчилар, ўқувчилар мuloҳазаси учун мавзу бўлди, десак ҳам бўлади. Энди, ўқувчилар эртадан бошлаб, мактаб либосида мактабга келишсинг, булмаса мактаб эшиклари улар учун ёпиқ деган фикрдан йироқмиз. Халқ таълими вазири таъкидлайдик, либос кийиш керак. Лекин у қандай либос булишини ҳар бир мактаб жамоаси кенгашиб, узи ҳал қилиши керак. Бу ишдан хотин-қизлар кўмитаси, республика хайрия жамгармалари, сингил саноатчилар, руҳшунослар, тиббиёт ходимлари, хуллас, келажак авлод тарбияси билан шугулланувчи барча мутасадди ташкилотлар четда қолишлари керакмас. Лекин, асосий гапни болаларнинг узлари айтишади. Менимча, бежирим, замонавий, узингизга ярашган ўқувчилар кийимида мактабга боришни ҳар бир бола жон деб хоҳлади.

ХАФИЗА тайёрлади

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муҳимжон КИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компььютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулida босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0668.
10960 нусхада босилди.
Коғоз бичими — А3.
Босилга топнириш вақти 19.00.
Топнирилди — 18.30.
Навбатчи муҳаррир М. Муродова.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137.
Манзилмиз: 700083,
Гонгент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-йи.
Нанп курсаткичи: № 64563.
Телефон:
1-33-44-25.